

ХАЛҚ ОЎЗБЕКИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

3 ИЮНЬ, ЖУМА, № 108 (856).
Сотувда эркин нархда. 1994 ЙИЛ


ТАШРИФ МУНОСАБАТИ БИЛАН

АХБОРОТ

Илгари хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таълифига биноан Корея Республи-

каси Президенти Ким Ён Сам шу йил 4 июнь кунин расмий давлат таширифи билан Ўзбекистонга келади.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КИМ ЁН САМ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИ



1927 йил 27 декабрда Кеннам вилоятида туилган. 1952 йил — Сеул университетини тугатган. 1954 йил — либерал партиядан Корея Республикаси Парламенти аъзоллигига сайланган. 1960 йил — Демократик партиядан Корея Республикаси Парламенти аъзоллигига сайланган. 1963 йил — Адолат демократик партиядан Корея Республикаси Парламенти аъзоллигига сайланган. 1965 йил — Фуңаро бошқаруви партиясини ҳам-раниси. 1967 йил — Янги демократик партиядан Корея Республикаси Парламенти аъзоси, партиясини ҳам-раниси. 1971 йил — Янги демократик партиядан Корея Республикаси Парламенти аъзоси. 1973 йил — Янги демократик партиядан Корея Республикаси Парламенти аъзоси.

1987 йил — Демократик партиясини ҳам-раниси, Демократик партиядан мамлакат президентлигига номзод. 1988 йил — Корея Республикаси Парламенти аъзоси, Демократик партиясини ҳам-раниси. 1990 йил — Демократик либерал партиясини ҳам-раниси. 1992 йил — Корея Республикаси Парламенти аъзоси, Демократик либерал партиясини ҳам-раниси. 1993 йил — Корея Республикаси Президенти этиб сайланган. 1993 йил 25 февралда президентлик лавозимини бажаришга киришган. Бир неча рисола муаллифи. Гаусон (АҚШ) коллежининг фахрий филология факультети доктори. Уйланган, беш фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

• Сўнги почтадан

ЎЗБЕКИСТОН ЎЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИ ҚЎЛГА КИРИТМОҚДА

Утган ойда мексикалик йирик ношир ва муҳаррир, Мексика нашриётлари ташкилотининг Президенти ва бош директори Марио Васкес Ранья Ўзбекистонда бўлган эди. У мамлакатимиз ҳаёти билан танишган, юртбошимиз Ислам Каримов билан учрашиб, суҳбатлашган эди.

Яқинда Тошкентга Мексикадан кўнрақ мазмунда мактуб келди: «Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислам Каримов жанобини олийларига. Муҳтарам Президент жаноблари! Сизга мушоабамиз босилган газеталарини юбормоқдаман.

Сиз билан суҳбатлашимиз имконидан баҳраманд бўлганим учун жуда мамнунман. Мушоаба матнидан Сиз ҳам қаноат ҳосил қиласиз деган умиддаман». Мактубга аъло сифатли қилиб босилган «Гласкала кўёши», «Гентро кўёши», «Бахио кўёши» сингари олтинта Мексика газетаси илова қилинган эди.

Кўйдаки шу нашрларда босилган мушоабадан парчалар келтирямиз: — Жаноб Президент, «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёти» китобининг муаллифи сифатида мустақил давлат тараққиёти андозасининг моҳиятини очиб берсангиз. — Дунёда одамлар бир-бирига ўхшамаганидек, мамлакатлар ҳам бир-бирига ўхшамайди. Шу нуқтага назардан қаралса, биз Совет Иттифоқини парчаланиб кетгандан сўнг мустақиллигимизни ўзимиз зарур деб ҳисоблаган шайла. — Жаҳондан ҳар бир давлат тараққиёт ва мустақиллик борасида ўз йўлига эга. Биз учун бир-бири билан боғлиқлик омил бор. Биринчи омил жаҳон таърихида, мураккаб вазиятларини бошдан кечирган давлатлар таърихида, табиий ресурслари, тарихи ва маданияти жиҳатидан бизга ўхшаш давлатлар таърихида. Биз бу таърихларнинг ҳисобга олишимиз керак. Иккинчи омил эса — ўз-



«Fueron Extraños en su Propio Territorio»
«Durante 75 años, los Dominio el Socialismo»
«Son Masadones Opuestos al Fundamentalismo»
«Pais sin Alfabetos y Enormes Recursos»

Уларнинг бири — иқтисодий ёнғин сибатдан устулгини, Иккинчиси — давлат ислохотларини бошқариб туриши, янгиланишнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши лозим. Учинчи жонда Президентдан бериб олди фўноронда барча қонуқ олдида тенг эканини таъкидлайди. Тўртинчи жонда болалар, кексалар, давлат қимосига муқоаж барча кишининг муқоаж қилишга қаратилган кўнрақ иқтисодий сибат бўлиши лозимлигини таъкид этади. Бу иқтисод, бешинчи жонда янгиланишнинг босқичма-босқич ўтказишни таъкид қиладики, бу сизнинг саволингизга жаноб ҳам бўлашади. Биз «фалаж қилиб даволаш» йўлидан бормаймиз, Полша ёки Россия андозасини янми болалар ва 18 ёшгача бўлган ёшлардир. Уларга давлат қўмийлик қилмас бўлайди. Бу қондаларнинг изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этилиши бизга бозор иқтисодийга инсбатан осонроқ ўтиб олиш им-

лакатни оёққа турғизишга қўмақлашган. Мен Ўзбек халқининг ҳам юксак маънавияти, миллий гурурини қўллаб-қувватлашни ўзимнинг вазифам ва бурим деб биланам, гурури йўқ халқнинг келажаги ҳам йўқ деб ҳисоблайман.

— Ўзбекистон аҳолисини, табиий бойликларини ва жуғрофий маъен жиҳатдан Ўрта Осиёда қандай ўрин тутайди? — Тошкент тарихий жиҳатдан Ўзбекистоннинг пойтахтигина эмас, Шарқнинг «дарвозаси» ҳамдир. Хитой билан Испанияни туташтирган Буюк йирик йўли Тошкент орғали ўтади. Мамлакатимизнинг табиий тақвада тутган сибсий ўрнинга ҳам шу нуқтага назардан баҳо берса бўлади. Мамлакатимизнинг табиий бойликларини бешисоб, илмий-заковат салохиятимиз жуда баланд. Аҳолисини ешпасига саводхон, унинг катта қисми яхшигина касб-хўнрага эга. Ўрта Осиёда истиқомат қиланган 35 миллион кишининг 22 миллионини Ўзбекистонда яшайди. Илгари айтганимдек, аҳолисининг ярми болалар ва 18 ёшгача бўлган ёшлардан иборат. Бу ҳам бизни жуда катта бойлигимиздир.

— Биз пахта етиштириш бўйича дунёда учинчи ўринни, олтин қазно олиш бўйича бешинчи ўринни эгаллаймиз, металл ишлаб чиқарувчилар ва газ бойлигига эга мамлакатларнинг биринчи ўлини сафидо турамиз. Ҳозир нефть қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича янги ўфқлар очилмоқда. Бизнинг иқлимимиз гузал, заминимиз унумдор, унда ишлаётган кишиларимиз эса ўта меҳнатсевардир... Кўриб турибдики, Ўзбекистоннинг минтақадаги ҳозирги сибсий маъен ҳам яхши, унинг келажаги ҳам порлоқ. Биз эртанги кунимизга ишонч билан қараймиз.

А. БАРАНОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

САМИЙ ТАБРИКЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

1414 ҳижрий йилининг муборак ийд ал-Адха байрами муносабати билан Сиз жаноб олийларига ҳам ўзининг самийи саломини ва табрикларини йўллашдан мамнунман. Сизга юксак ҳурматини назор этиш билан бирга, сизхат-саломатлик, бахт, мусулмон биродарларга эса равнақ ва фаровонлик тилайман. Қудратли ва раҳмдил Аллоҳ бирлигимизни мустаҳкамлаш, ислом дунёсининг равнақи сари йўл бошласин.

СУХАРТО,
Индонезия Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳаёти муносабати билан Сиз жаноб олийларига ва дўст Ўзбекистон халқига самийи табрикларини йўллашдан мамнунман. Аллоҳ таоло Сизга ва халқингизга сизхат-саломатлик ато қилсин.

Ҳафиз ал АСАД,
Сурия Араб Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Қурбон ҳаёти муносабати билан самийи табрикларининг қабули этинг.

Веназир БХУТТО,
Покистон Ислам Республикаси Бош вазири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокату. Муборак Қурбон ҳаёти муносабати билан Сиз жаноб олийларига Саудия Арабистони подшоҳлиги, халқи, ҳукумати ва шаҳсан ўз номидан энг яхши дўстона табрикларини ва самийи биродарона тилакларини йўллашдан мамнунман. Сиз жаноб олийларига мустаҳкам соғлиқ ва саодат, биродар ўзбек халқига, барча ислом умматига эса тараққиёт ва фаровонлик тилайман. Энг яхши тилаклар ва эҳтиром ила

Фахд бин Абдулазиз ал САУД,
Ислом муқаддас масжид ҳодими,
Саудия Арабистони Подшоҳи.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва барокату. Сиз жаноб олийларига муборак Қурбон ҳаёти муносабати билан самийи табрикларини йўллашдан мамнунман.

Сизга сизидилдан сизхат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман. Аллоҳ таолодан Сиз жаноб олийларига, Ўзбекистон халқига ва барча ислом умматига рушонилик, фаровонлик, иззат-иқром ва бахти-қўл сўрайман.

Абдуллоҳ бин Абдулазиз ал САУД,
Вазирлар Кенгаши Раиси муовини,
Миллий гвардия қўмондони.

КЎРГАЗМА ОЧИЛДИ

Пойтахтимизнинг Эски шаҳар гузарига жойлашган «Турон» илмий универсал кутубхонасида буюк олим ва астроном Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллигига бағишланган «Осмон илмининг султони» китоб кўргазмаси очилди. Ушбу кўргазмадан Улуғбек асарлари, қолаверса, унинг ўзи ҳақида чоп этилган бадиий-илмий китоблар, мақола ва суратли лавҳалар ўрин олган.

Диалора ОРИПОВА.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ: ИСЛОХОТ БОСҚИЧЛАРИ

Бозор иқтисодийга ўтиш бугунги кунда фақат социалистик мамлакатларнинг эмас, иқтисодий бошқариш ўта даражада марказлаштирилган ва бу ҳол иқтисодий тараққиётга тўсқинлик қилиб турган барча қолоқ давлатларнинг муаммосидир.

Узининг бозор иқтисодийга бевосита иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўта бошлаган Корея Республикаси жаҳон ҳамжамиятига бозор иқтисодийга ўтаришлари, самарали ва изчил ислохотлари билан намуна кўрсатди.

Ислохотлар аста-секин ва изчиллик билан ўтказилишига қарамай, Корея ислохотида муаммолар турли ва уларнинг ҳал этилиш шаклларига қараб, тўртта асосий босқич кўзга яққол ташланади. Узининг бозор иқтисодийга бевосита иккинчи жаҳон урушидан сўнг ўта бошлаган Корея Республикаси жаҳон ҳамжамиятига бозор иқтисодийга ўтаришлари, самарали ва изчил ислохотлари билан намуна кўрсатди. Импор (200 миллион доллар) экспортдан (50 миллион доллар) анча кўп бўлди. Ана шундай шароитда ислохотларнинг иккинчи босқичи (1962—1975 йиллар) бошланди. Бу босқич Корея иқтисодий муаммосининг оқсиди деган қишқир Президент Пак Чон Хи номи билан боғлиқ. Бу босқичда корхоналар амалга оширилган ислохотнинг асосий йўналиши бўлди, ислохотлар умуман иқтисодий соҳасидаги қораларга ва эҳтиёжини қоплашга қаратилган иқтисодийга эмас, балки маҳсулотни тақлиф қиланган иқтисодийга қаратилди. Бозор муносабатлари яхши ривожланмаган, умумий қолдоқлик, тегишли ёрдамчи тармоқларнинг йўқлиги сабабли давлат энергетика, транспорт, коммуникация каби энг асосий тармоқларни ривожлантиришни ўз зиммасига олди. Шу билан бир вақтда хусусий бизнесга тўла эркинлик берилди, унинг жадал ривожланиши учун зарур шароитлар яратилди. Хукумат фақат сармоянинг ўсишини, ресурслардан фойдаланишни назорат қилди. Аниқ ўша пайтда экспорт имкониятларини кенгайтириш сибатни ўтказила бошланди. Бу сибат илгари ўтказиб келинган зарур молларни четдан келтириш сибатни ўрнини эгаллади. Экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида экспорт тармоқлари учун четдан келтирилган хомашёдан

олинган бож тўловлари, маҳсулотларни экспорт қилувчилар учун импорт чеклашлари қаматилди, чет элга сотилган маҳсулотлар учун имтиёзли солиқлар белгиланди.

Иқтисодийнинг «юраги» вазифасини ўз зиммасига олди лозим бўлган «Чебол» йирик компаниялари тўғрисида ҳукумат алоҳида ғамхўрлик қила бошлади, бу компаниялар ҳукумат иқтисодий стратегиясининг ўзига янайдди. Аниқ шу сибат тўғрисида бу компаниялар ҳозирги пайтда бутун дунёга машҳур улкан саноат корхоналарига айланди.

Маҳсулотни экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳукумат билан қисман боғлиқ ташкилот — Корея савдога қўмақлаш корпорацияси тўзилди. Экспорт маҳсулотини ишлаб чиқаришга хорижий сармояларни жалб этиш учун махсус экспорт зоналари ташкил этилди, бу зоналарда қўпгина чеклашлар олиб ташланди ва солиқ ставкалари қаматилди. Бироқ, экспорт учун маҳсулот ишлаб чиқариш ҳукумат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қарамай, бу босқичда сугурта банк иши, қимматли қозғолар бозори тизимлари ажасбийлар учун ёпиқлик қоловерди. Шу сабабли хорижий сармоялар асосан қарз тўғрисида бўлди, бу эса миллий буржуазиянинг тезда қаддини ростлаб олишга қўмақлашди. Қўрилган чора-тадбирлар натижасида мамлакатнинг тез индустриализация сибат билан деҳқончилик соҳасидан мувоzanатли саноат фойдасига кескин ўзгаришиб юборди. Бу номуносивликни баргафат этиш учун қўшимча тадбирлар амалга оширилди. Бу тадбирлар фермерларга моллий мадад берип,

АМЕРИКА СЕНАТОРИ ТОШКЕНТДА

2 июнь кунин Америка Қўшма Штатлари Конгресси сенатори Арлет Спектер Тошкентга келди. Мехмон шу кунин Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С. Саидосинов билан учрашди.

Учрашувда Америка Қўшма Штатлари билан Ўзбекистон ўртасида ўзаро сибсий, иқтисодий ва дипломатия муносабатлари тобора яхшиланиб бораётгани таъкидланди.

Сенатор мамлакатимизга таширидан асосий мақсади, Ўзбекистондаги иқтисодий ислохотлар жаҳон, парламент ва бир қанча вазирилар фаолияти билан таништиридан иборат эканини айтди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги фавулода ва мухтор элчиси Генри Лип Кларк иштирок этди.

ЎЗА.

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФАОЛЛАРИ ЙИГИЛИШИ

Урганча вилоят фаолларининг йиғилиши бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ўн бешинчи сессияси якунлари ва Президент Ислам Каримов нутқида ўртага қўйилган вазифалар асосида иқтисодий сибсий

тараққиётни жадаллаштириш масалалари муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Юманов шу ҳақда маъруза қилди. Йиғилишда республика Бош вазири А. Муталов сўзга чиқди.

ЎЗА.



«ЎЗБЕКИСТОН МАРКАСИ» ДАВЛАТ НАШРИЁТ МАРКАЗИ.

када теннис мусобақалари белгиси, атрофида теннисчи расми тасвирланган. Марка баҳоси 500 сўм.

Оқоғонлар

Ушбу саҳифа Андижон вилоятига бағишланади

• *Куйи бошқарув тизимларида*

КУЧ БИРЛИКДА ДЕМИШЛАР...

Аҳиллик, иноқлик, бирликка не етсин. Ана шундай кайфият ҳужм сурган жойда меҳр-оқибат кучли, турмуш чиройли, рўзғорда кут-баракка бўлади. Жамоатчи муҳбиримиз Шаҳрихон тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари М. Раззоқов билан маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар ҳусусида суҳбатлашди.

— Муҳаммадҷон Топпулатович, ҳар бир маҳалла ўз қиёфаси, шакл-шамойили билан бир-бирдан фарқланади турди. Лекин уларда қадриятларимиз, миллий урф-одатларимиз уйғуллашиб кетган...

— Халқимиз оғир иқтисодий шароитни бошидан кечириётган бўлса-да, эртанги кунга катта умид, ишонч билан ишмоқда. Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан иқтисодий, ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ишлар билан ҳамма билан бера бошладилар. Энг муҳими халқимизнинг тинч, осойишта яшаш ва меҳнат қилиши учун кенг шароит яратилди. Айниқса, унутилб бораётган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз қайта тикланмоқда. Халқимизда «Яхши кексалар бўлмаган жойда яхши ишлар ҳам бўлмайди» деган нақб бор. Агар ҳар бир авлод ўз аждоғларининг давомчиси эканлигини нуқтаи

назаридан қаралса, бу жуда чуқур мазмунга эга. Негаки, қадимдан ҳар бир маҳалла ўз удуми, ўз қиёфаси, ўз қувончи ва ташвиши билан бир-бирига одамлар бир-бирларига суянадилар, елкадош бўлади-лар, бир-бирларига ўргатадилар; ўрганадилар, тўй-томашини, қайғули кунларни бирга баҳам қиридилар. Кексалари ёшларга шахсий ибрат кўрсатадилар. Туманимизда маҳаллаларни ободонлаштириш, кўчаларимизни соғайтиш, осойишталикни сақлаш, ёрдам ва муҳтожликни сездириш, ночор ва ногиронларни иқтимоий муҳофаза қилиш соҳаларида бир қатор, ибратли ишлар амалга оширилди. Қола бунинг, Найнаво, Қумқуш, Ўрмон, Абдулбойи каби маҳаллалар бунга мисол бўла олади. Ушбу маҳаллаларда аҳоли ўз кучи, ўз маблагини билан чойхоналар қуриб, газ, ичимлик суви таъминоти

риллаётган ишлар қандай назорат қилинади? Таҳлил қилиниб, таққослаб, маъқул қўрилган рағбатлантирилиб ҳам турладими?

— Албатта. Маҳалла оқсоқоллари, қишлоқ фуқаролари йигини раислари, жойлардаги фахрийлар кенгаши раислари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. У ердаги ободонлаштириш, осойишталикни таъминлаш, ёрдамга муҳтожларга муруват кўрсатиш, маърака-маросимларни ихчам, камхарж, мазмунли бошқаришига эътибор берилган. Ёшлар тарбияси бўйича илғор тажрибалар оммалаштирилиб ҳам борилади.

— Маҳаллаларда жиноятчиликка қарши кураш, тарбияси оғир болалар билан қандай ишлар олиб борилади?

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи» тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинган, маҳалла фаоллари, кексаларнинг нуфузи анча ошди. Улар энди ўз маҳаллаларининг оқсоқоллари, кексаларнинг нуфузи анча ошди. Улар энди ўз маҳаллаларининг оқсоқоллари, кексаларнинг нуфузи анча ошди. Улар энди ўз маҳаллаларининг оқсоқоллари, кексаларнинг нуфузи анча ошди.

— «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлимидан 384 минг сўмлик болалар кийимлари келтирилиб, қўзда тутилган қишларга тарқатилди. 22 нафар отасиз болаларга 222,5 минг сўмлик хайрия берилди.



Шаҳрихон шаҳри ҳокимлиги шаҳар марказидagi энг кўркам «Оталар чойхонаси»ни «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлимида ижтимоий бериб, энди бу жой нафақат дам олиш, балки тарбия-ташвишот марказига ҳам айланади.

В. ВАРПАЕВ олган сурат.

• Иш биланга минг танга КЎМАКАЙНИНГ КЎЧАТЛАРИ

Андижон, Наманган, Фарғона бозорларини кезиб, энг сарҳил сабаовлар— турп, сабан, эртаншар помидор билан савдо қилаётган деҳқонларнинг кўчилигини кўриб, кўмакайликми деб жавоб беришди. Энг ишончли эртаншар помидор қарам қўчатлари ҳам шу ерда етиштирилади. Чунки, кўмакайликлар тадбиркорликлар, деҳқончиликда миришкорликлар билан машғурдирлар. Чўнтак, Янги Чек, Бештом маҳаллаларининг қайси бир хонадонига кирман, деярли ҳар бири, қаҳратон қиш кунлари ҳам сувғороз остидаги иссиқхоналарда турли кўчатлар гуллаб ётганини гувоҳ бўласиз.

Кўмакайлик тадбиркору миришкорлардан бири Журабой ака Улуғовдир. У 30 га яқин шогирд тайёрлади. Улар юртимизнинг турли шаҳарларида устоз номини ардоқлаб меҳнат қилишгайир. Ўтган йили у туғилиб ўсган «Чапаев» қишлоғидаги устахонасига Ўзбекистон туманидаги 29-хунар-техника билим юртининг директори Рустамжон Усмонов ташриф буюрди.

— Касбингизни ҳавас қилувчилар кўп, — сўз бошлади у. — Устахонанинг торлиқ қилиб қолмайтими?

Уста гап нимадалигини англади. Сергайрат йигит кўндал бери нақшоқликни ихлосдан йигитлар бошини бирлаштириш ҳаракатида эди. Гапни узоқ чўзмади. Директорнинг тақлифлари кўнақолди.

Хайри ҳаракат туфайли билим юртида уста Юлбарс Ҳасановнинг мактаби пайдо бўлди. 22 нафар йигит ёшони тилга киритиб санъатини эгаллашгайир. Умрбодий санъатини давом эттириш йўлида устоз билан ёнма-ён унинг шогирдлари, фарзандлари Шукрулло, Файзулло, Хайбулло, Лутфулло, Умирдулло, Воқийилло, Зарифалло, неваралари билан ўн бир жон истикомат қилишаркан. Беш ўғил, уч қизни уйлаб-қойлабди. Қирқ йил жамоа хўжалигида «тер туниб» ишлашди.

— Шунча йиллик «станжим» билан, — дейди Юсуфжон ака ўтган бир йил давомида икки ярим гектар майдондаги боққа қараб, шакл бериб, ҳосилни йиғиб-териб тошпирганим учун 6 минг сўм ҳақ олдим.

Маца «колхоз»нинг аҳволи, Юсуфжон ака оиласининг бутун тирикчилиги фақат томорқасидан, десак

Н. ЭҒАМНАЗА'ОВ, Олтинсул тумани.

МИННАТДОРЧИЛИГИМ ЧЕКСИЗ

Тўрт фарзандли ёлғиз аёлман. Яшаш шароитим бир нави. Яқинда қондошимизда ёнғин чиқиб, иш-хўшларим, уйим ёниб кетди. Шундай оғир шароитда қолган пайтимида «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими томонидан менга 100 минг сўм миқдорда ёрдам кўрсатилди. Болаларимни ясаюрт

қўрсатиб ёнғиндан қутқарган икки нафар ўғувчи йигитларга ҳам жамғарма томонидан 30 минг сўмдан қўрал мўнофоти берилди. Кўрсатилган муруватдан миннатдорчилигим чексиз.

О. ҚАНДАРОВА, Андижон тумани, Храбек қишлоғи, «Қизил байроқ» маҳалласи.

Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчиси Муножотхон Сотволдиева кушлик иш нормасини 110—120 фозга адо этмоқда.

СУРАТДА: илғор тикувчи М. Сотволдиева.

А. УСМОНОВ олган сурат.

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

Кичи кўпгина нарсаларсиз ҳам яшай олади, лекин тахтоликда яшай олмайд.

Л. БЕРНЕ.

Бир маъв бўлаётган жойда икки кичи бир-бирини қутқариш мумкин.

О. БАЛЬЗАК.

Кичи жамиятда яшаш учун яратган: уни жамиятдан ажратиб, яқалаб қўйсангиз — фикрлари ҳам алмойи-алжойи бўлиб қолади, характери ёмонлашади, юрагида юзлаб яросо эҳтирослар туғилади, худди чўда ўсган ёввойи тоғулча сингари янисида беъаъни гоғлар тоғир ёди.

Д. ДИДРО.

Кичи узлатда яшай олмайд, унга жамоат керак. Фақат одамлар орасидангина кичи ўз-ўзини англашга қодир.

И. ГЕТЕ.

Инсон одамлар орасидангина одам бўла олади.

И. БЕЖЕР.

Мулоқот кичини гўзаллаштириб, унга улғурлик бахш этади; жамоат ичиди одам ҳар қандай сохтагарчиликни йиғитириб қўйиб, ўзини беихтиёр бошқача тутади.

Л. ФЕВЕРБАХ.

Янса одат узлатда қолган Робинзон сингари оқизди; фақат бошқалар билан ҳамкорликдагина у кўпгина ишларини қила олиши мумкин.

А. ШОПЕНГАУЭР.

Кичилар яқалликда қишлоқдан кўп ишларни биргалликда амалга оширишлари мумкин; ақл ва қўллар бирилашиб, йиғилиб, деярли илоҳий бир қудратга айланади.

Ж. УЭБСТЕР.

Айнан бошқаларнинг ҳайрихоҳлигини баҳра топган ҳолатдагина ҳаёт наъшали бўлади.

И. ГЕТЕ.

Кўч бошқа одамларсиз қумини ўтиса оламади, деса хато қилади лекин кичи, одамларга менсиз қийин бўлади, деб ўйласа, ундан баттар хато қилади.

Ф. ЛАРОШФУКО.



• Қурин, ҳавас қилин! БАРҲАЁТ АНЪАНАЛАР

Муҳтожларга ёрдам қилини қўйиб ўз учун ақлдорлардан мерос бўлиб келган. Яшириш нима қилмас, бозор иқтисодийти айрим оилалар шароитини бир мунча оғирлаштириб қўйди. Хукуматимиз уларни ижтимоий муҳофаза қилиш юзасидан қанчалик жон куйдирмасин, ногиронлар, етим-есирларга ёрдам қилишимизни чўмасасқ бўлмайди.

Маҳалламиз Асана шаҳрининг Чўнтак қисмида жойлашган. Худудимиздаги 1110 оилада 12 миллат фарзандлари ақил-ноқил яшайдилар. Албатта, саноат корхоналари ҳам, техника, билим масканлари... барча-барчаси бор.

Қутлуг кунлар, байрамларда қўнғил яримларини йўқлаш анъанаси айланади. Яқинда «Наврўз» байрами ва ҳайит кунларида ҳам соғва-саломлар улашди. Худудимизда жойлашган корхоналар жамоалари эса 4 нафар келин-куёвнинг бошини қовуштириди. 13 нафар болакайларнинг хатна тўғиларини ўтказиб беришди. Бу қутлуг ҳаракат учун 21 миллион сўм сарф этилди. Савоб ишдан 1-ўрта мактаб муаллимлари ҳам четда қўламдилар. Улар ойлик маошлари ҳисобига 2 ночор оила ўғилларининг хатна тўғиларини ўтказиб бердилар.

Маҳалламизни хунармандлар маҳалласи дейишди. 35 оилада 15 хил йўналишда иш олиб борилади. Улардан беш турдагиси маҳалла қўмитаси ҳамда меҳнат биржаси билан алоқа боғланган. Шуниси қувонарлики, хунар-

• Халқ хунармандчилиги

НАҚШ ЖИЛОСИ

Мўъжиза яратмоқ учун ипта бирла қудуқ қазимқоннинг ўзи кифоя эмас. Ёгочни тилга киритиб, тилсимли нақшлар солаётган уста Юлбарс ҳокимнинг ишларини кузатсангиз вужудингизни ҳайрат ва ҳайжон қамраб олади. Кўз олдингизда жумла-жаҳонни мафтун этувчи Самарқанднинг кўҳна обидалари, Бухоро-ю, Хиванинг умрбоқий обидалари намоян бўлади. Уста яратган хонтахта, курси, жавон, эшик, каби нодир буюмлардаги гўзаллик билан улар ўргасида қандайдир уйғунлик бордек... Агар уларга бот-бот нигоҳ ташласангиз дилингиз равшан тортади. Ҳаёл сизни мозиининг олис-олис бурчларига етаклайди. Бетақор чизгилар, қалб қўридан яралган нақшларга юракдаги ораурумлар, эртанги ёруғ умидлари қатлангандек. Улар куйга айланадими ёки ўтмишдан садо келадими, билолмадим. Хуллас отаболларимиздан мерос бўлиб қолган санъатнинг асри бўласиз.

Изобқонлик ўймакор уста Юлбарс Ўтаганов ёгочни тилга киритишда бирор устанинг этагини тутмади. Лекин у қандай қилиб бу касбага ошқиб бўлиб қолганини ҳам эслолмайди. Шуниси аёнки, у отадан эрта етим қолчак, тоғаси Рўзимухаммад Қаландаров ёнига кириб, қишлоқда уй тиклаб юрди. Мактабни тиртичак, транторчилик қилди. Мисгарга шогирд тушди. Аммо юраги нимагадир талпинаверар, қилаётган ишидан қониқмасди. Иттифоқо қайсидир бир нақшонинг ишларини кузати-ю, ҳаволати йўқолди. Кўҳна шаҳарлар бўйлаб сафарга чиқди. Осмон-ўпар миноралар, минг турда жилпонаётган кўҳна обидалар унинг қалбига эзгулик уруғини соқди. Ёгоч ўймакорлиги бўйича китоблар топди. Аввалига хонтахта ясади. Бироз бе-ўхшов чиқди. Маҳалладаги оғайини учун эшик ясади. У мақтайвериб устанинг жаҳлини чиқарди. Орадан кўп ўтмай унинг номи чор-атрофта ёйилди.

Юлбарс ака учун Андижондаги «Меъмор» ялми-таъмирлаш устахонаси катта мактаб бўлди. Ҳаёт иқтисодий расомлар билан танишди. Айтмоқчимизки, бир қишлоқ устанининг бироз дағал ҳаракатларига мўйқалам усталарнинг чизгиларини назорат қилиш ҳис қила олиши уйғунлашди.

1979 йилда Ўзбекистон тумани марказида «Оталар чойхонаси» қуриладиган вақтда Гапнинг очиги, нақш усталар уша кеда баймоқ билан санарли эди. Мутасаддилар унга ишониб-ишонмай, янги йишда ишлашни тақлиф


этишди. Уста шопмади. Иншоотнинг барча эшикларига чинор ёгочдан тахта тайёрлади. Унга шундай-ин ишлов берди-ки, ҳамма-нинг қизиқини ортиди. Санъаткорона маҳорат билан яратилган эшиклар, хонтахталар жой-жойини топганда, унинг санъати кўринди-қолди.

Юлдош Охунбоев номли вилоят музыкали драма ва комедия театри биносини таъмирлаш, таъбир жоиз бўлса, уста Юлбарс ака учун жиддий имтиҳон бўлди. У эшикларга чуқур заминли, жимжамдор, ясси ва пархана услубларида ишлов берди. Залворли, айни чоқда жонзабли эшиклар, пештоқлардаги ҳайратомуз нақшлар уста номини элга танитди.

Олтириқ тумани, Ўш шаҳридаги чойхоналарда, «Чортоқ» тумани, Арслонбоб ота қишлоғи, Ўш шаҳридаги турли масканларда миллий услубдаги беэақлар ишлади. Ўзгаллик касба ошуфтларини мафтун қилувчи буюмлар ясади. Юлбарс ака учун шаҳридаги «Бобур қўшиқчи» кинотеатрида Сулаймон тоғидаги «Бобур қўшиқчи» таъмирлашда фаол қатнашди. Нақшкор эшик, деразалар ясади. Лекин кўнгли таскин толмади. Воқоим Бобур Мирзо рўҳи олдига ўзини қардордек ҳис қилаверди.

— Андижоннинг «Воғи-шомол» даҳасида «Воғи Бобур» тикланаётганда, кўнгли ёришгандек бўлди. — таъйидлай уста. Юлбарс Ўтаганов «Бобур музей»нинг дарвоза-йарати. Бу ерга ташриф буюрувчилар гўзаллик, санъаткорона маҳорат, нақшлардаги ақиб бир ҳамоҳанглигини гувоҳи бўлади.


Ўтган йили вилоятда халқ хунармандларининг



Халқ хунармандчилиги

И. СУЛТОНОВ суҳбатлашди.

«Президент кубоги» кундалиги




ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ЭЪТИБОР ҚОЗОНИШЯПТИ

рори, мамлакатда теннис учун яратилган шарт-шароит, замин ҳақида сурашмоқда. Зеро, спортчиларимиз бирин-кетин улардан тўққиз-ун чандон кучли профессионал теннисчиларни доғда қолдиришиб, шундай эътиборга лойиқ ўйин кўрсатишапти.

сетда ҳамюртларимизнинг мағлубиятга учраганлиги (3:6) янабатта оладиган бўлсак, ғалабага жуда катта қийинчилик билан эришилди. Теннисчиларимиз иккинчи сетнинг еттинчи геймида учрашувда бурилиш ясашга эришилди. Айнан шу рақиблар геймидаги ғалаба сетда муваффақият қозонишга олиб келди — 6:4.

мажбур бўлишди. Ганиев, Иванов — Горриц (Испания), Гуми (Аргентина) — 5:7, 1:6. Ғуломов ва Куценко эса германиялик Гросс ва чех Немечек жуфтликга ютқазилди.

лишда ҳамюртимиз кўп ҳағоликларга йўл қўйди. Нўқ, уни хатолик десак ҳам нотўғри бўлади. Бу ерда фақат Мартиннинг маҳоратига таҳсин айтиш жоиз.



ТОШКЕНТ ОМБОРЛАРИДАН ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

HERBALIFE

Кўп миң йиллар илгари Хитойда кўкатлардан инсонларнинг тиниқ ақл-заковат ва жисмоний тетиклигини сақлаган ҳолда 100-150 йил умр кўришлари тасдиқланган дори-дармонлар тайёрлаш усуллари биланлар. Яқин-қўнларга бу усуллар мутлақо унутилиб кетган, деб ҳисоблаб келинди.

Заруратга қараб ҲМО учта асосий дастурага асосан қабул қилинади: 1. Тана-организмни тозалаш дастури. 2. Хужайраларни озиклантириш дастури. 3. Оғиш дастури.

«ЮНУСОВОД» теннис кўртларида «Президент кубоги» учун кураш аини қизин палласига кўтарилади. Бундай нуфузли турнирда биринчи марта қатнашган ҳамюртларимизнинг муваффақиятли қатнашуви бу ерга ташриф буюрган хоризк матбуоти ходимларини ҳам таажубга соллапти. Улар тез-тез маҳаллий матбуот ходимларига мурожаат қилишиб, теннисчиларимиз ҳақида қизиқарли маълумотлар олишга ҳаракат қилишапти.

Экспресс-интервьюлар

„ТОШКЕНТГА КАТТА УМИДЛАР БИЛАН КЕЛГАНМИЗ“



Кўртдан ғалаба нашкидаси билан чиққан теннисчини энг аввало журналистлар қарши олишиб, турли-туман саволларга кўлиб ташлашади. Пойтахтимизда ўтаётган «Президент кубоги» халқаро турнирида теннисчилар саволларга жавоб беришаркан, мазкур спорт байрамидан мамнуи эканликларини изҳор этишмоқда. Қўйда уларнинг айримларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

М. БЛЭКМЭН (АҚШ): — Рақибим, италиялик Д. Мусани илгари ҳам икки бор мағлубиятга учратган эдим. Бу сафар ҳам ғалаба қозонишга умидимиз шубҳа қилмаган эдим. Турнир, у иккинчи сетда жиддий қаршилик кўрсатиб, мени анча қийин аҳволга солиб қўйди. Шу ўринда у билан аввал ўйнаб ортирган тажрибаларим қўл келди. Аниқроқ айтганда бўлмас. Д. Мусанига заиф томонларини илғаб, ундан фойдалана билиш, менга муваффақият келтирди.



Ф. ВУЛЬФ (Бельгия): — Менинг ўзбекистонда илк бор бўлишим. Бу ерга келгунимча Германиядаги турнирда қатнашган эдим. Немислар юртида теннис ўйнаётганимда кунлар совуқ, устимиздан тинимсиз ёмғир қўйиб турарди. Тошкентда эса аксинча, об-ҳаво иссиқ, ҳарорат анча баланд экан. Шунинг учун дастлабки кунларда бунга мослаша олмай, анча қийналдим. Хайрияти, ўйин бошлангунга қадар ўзимдаги бундай ланжаникни бартараф эта олдим. Натияжада, германиялик Вайнцирлинг «кураганин ерга теккизиш» унчалик қийин бўлмади. У билан илк бор кўртда дуч келишим. Шунинг учун бутунни ўйини ҳақида бир нарсга дея олмайман.


● ЧАК АДАМС ЭЪНИ ТУРНИРИНИНГ НУ-ФУЗИ САНАМОҚДА.



● ТУРНИРДА ТО-МОШАБИЛАРГА ҲАМ «СОВГА»ЛАР ТОРТИҚ ҚИЛИНАПТИ.



● КАРИМ АЛАМИГА ТОШКЕНТ ИҚЛИМИ КУШ ЕҚДИ.



● ҲАМЮРТМИЗ О. ОГОРОДОВ ГЕРМАНИЯЛИК О. ГРОССИНИ ҲАМ МАҒЛУБИЯТГА УЧРАТИШ НИЯТИДА.



Экспресс-интервьюлар

„ТОШКЕНТГА КАТТА УМИДЛАР БИЛАН КЕЛГАНМИЗ“



рашади. Бугун ҳам бир неча бор шу саволга дуч келдим... Бу тўғрида нима ҳам дейиш мумкин? Дарҳақиқат, Сампрасдек кучли теннисчини енгиш — ниҳоятда мушкул иш. Ўзим билан балки у ўшанда каттиқ чарчаган эдим. Чунки менга ютқазиб қўйишдан олдин олти hafta теннисчи рақиблар билан курашган эдим. Лекин ўзим ҳам ўшанда жуда яхши ўйнаган эдим. Овбларимнинг сабаби, ахтимоқ, футбол билан ҳам мунтазам шуғулланишимга боғлиқ бўлса керак.

Тошкентнинг об-ҳавоси менинг юртимнинг иқлимига жуда ўхшаш экан. Ана шу жиҳатдан мен европалик рақибларимга нисбатан катта имкониятларга эгаман. Илк бор кўртда россиялик А. Мериновга бақамти келганимда бу фикримнинг қанчалик тўғри эканлигига ишонч ҳосил қилдим. Чунки ўйин давомида об-ҳаво тўғрисида ҳеч бир салбий ўзгариш сезмадим, аксинча, ниҳоятда эркин ҳаракат қилдим.

«Халқ сўзи» мухбири Рафур ШЕРМУҲАММАД ҲАМ ОЛДИ.



Ўзбек-Италия кўшма ҳиссасдорлик жамияти «Ўзитапмотор»

қўйидагиларни сотади: - Д-243 двигатели (МТЗ-80Х тракторлари учун); - авто ва электр юклагичлар (юк қўтариши 1 дан 3 тоннагача); - омборлар учун қўл аралар (юк қўтариши 1,5 тонна); - алюминийдан тайёрланган марказлашган иситиш батареялари.

Д-243 двигателларидаги ташқари ҳамма маҳсуотлар Италиянинг «Итапмотор» ширкатида тайёрланган.

Нархлар шартнома асосида. Мол айирбошлаш мумкин.

Телефонларимиз: 98-44-74, 96-45-01; Телекс: 11667 "РОТОР"; Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Оҳангарон йўли, 2

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Сизга биринчи марта республикамизда қўрилган йирик туқимачилик комбинати - "ТУРЛАН" ҳиссасдорлик жамияти /таъсис жамънамиси 18.000.000.000 сўм-кўнона/ эгаллик қилиш имконияти тақдиф этилмоқда.

Халқ сўзи Народное Слово. Telephone: 33-07-48, 32-09-25. Address: 64608.

Бош муҳаррир: Анвар ЖУРАБОВ. ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Абдунаби БОЙҚУЗНЕВ, Эсирған БОЛНОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Мирқамол МИРАЛИМОВ, Селомхиддин МУҲИДДИНОВ, Эрминосар, «Халқ сўзи», Лев ПАК, Людмила ПОРФИРЬЕВА, Кулаҳмад РИЗАЕВ, Александр ТЮРИКОВ, Мухаммаджон ҚОРАБОВ, Сандарфор ҒУЛОМОВ.

Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Манабатчи муҳаррир: И. Худобер, манабатчи: О. Раҳимов.